

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди:  
№ БД-5510200-3.27  
2021 йил “04” 06



**ФТИЗИАТРИЯ, БОЛАЛАР ФТИЗИАТРИЯ  
МОДУЛИ ДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	500000	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510000	Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналиши:	5510200	Педиатрия иши

Тошкент – 2021 й

### Тузувчилар:

Ташпулатова Ф.К	ТошПТИ,“Фтизиатрия ва пульмонология” кафедраси мудири, т.ф.д.
Шамшиева Н.Н.	ТошПТИ,“Фтизиатрия ва пульмонология” кафедраси ассистенти
Курбанов А.Х.	ТошПТИ,“Фтизиатрия ва пульмонология” кафедраси ассистенти

### Такризчилар:

Алиджанов С.К.	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази фтизиатрия кафедраси доценти, PhD
Садыков А.С.	Тошкент Педиатрия Тиббиет Институти фтизиатрия ва пульмонология кафедраси профессор, т.ф.д.

Модул дастури Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида ишлаб чиқилди.

Модул дастури Тошкент Педиатрия тиббиёт институти Кенгашида кўриб  
чиқилган ва тавсия қилинган (202 1 йил “27” ~~Анвар~~даги “8” – сонли  
баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
хузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро  
Мувофиқлаштириш кенгашининг 202 1 йил  
“13” ~~Апрел~~даги “   ” 3-сонли баённома билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 202 1 йил  
“4” ~~Июл~~даги “121” – сонли буйруғининг 1 – иловаси билан  
модул дастури рўйхати тасдиқланган.

## **1. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни**

“Фтизиатрия” модули ўқув режанинг клиник модуллари блокига тааллуқли бўлиб, 5 курсларда ўқитилади ва оилавий шифокорда тиббий билимлар асосини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. “Фтизиатрия” модули талабаларда сил диагностикаси, давоси ва профилактикаси бўйича илмий дунёқараш ва назарий билимлар, амалий кўникмалар шакллантиришга услубий ёндашишга хизмат қилади.

Модулни ўқитиш учун физиология, кимё, патологик физиология, анатомия, гистология, биокимё фанлари замин ҳисобланади. У бошқа модуллар билан биргаликда нафас олиш аъзолари ва ўпкадан ташқари аъзолар тўғрисида яхлит маълумотга эга бўлишни, шу билан бирга талабада клиник фикрлаш қобилиятини ривожланишини таъминлайди.

Модул дастури тиббий таълим соҳасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти, Педиатрия иши бакалаврият таълим йўналишининг Малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Мазкур модул дастури мавзулари тиббиёт олий таълим муассасалари бакалаврият босқичи клиник модулларининг дастур мавзулари билан узвий боғлиқ ҳолда яратилади.

## **2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари**

**2.1. Модулнинг мақсади:** Бирламчи бўғинда фаолият кўрсатаётган шифокорларни аҳоли ва шу жумладан болалар орасида силни барвақт диагностикаси, профилактикаси ва назоратини самарадорлигини оширишга замонавий ёндашишга ўргатиш.

Сил этиологияси, сил кўзғатувчисининг асосий хусусиятлари, уни аниқлашнинг замонвий усуллари. Аҳоли орасида силни барвақт аниқлаш ва профилактика чора –тадбирларини ташкиллаштириш.

Сил ва ўпка касалликларининг дифференциал диагностикаси. Силни даволашнинг асосий принциплари, силни даволаш стандартлари Иш қобилиятини, индивидуал функционал активлигини прогноз қилиш, илмий методологик асосларини шакллантириш, кўникмаларини эгаллаш, бўлажак оилавий шифокори мутахассисини педиатрия иши йўналиши бўйича тайёрлаш

### **Модулнинг вазифалари:**

1. Аҳоли орасида силни барвақт аниқлашнинг самарали олиб бориш бўйича ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган стандартлар ва тавсиялар асосида силни эрта ташхислаш, замонавий даволаш, олдини олиш ва кейинги кузатувни олиб бориш принципларини ўргатиш.

2. Болалар орасида силни барвақт аниқлаш учун қўлланиладиган текширув усулларида самарали фойдаланиш ва уларнинг натижаларини баҳолашга ўргатиш

3. Силга мойил, хавф омиллари мавжуд ва касалланган беморлар билан биргалликда “беморни соғломлаштириш режаси”ни ишлаб чиқиш кўникмасига ўргатиш.

4. Аҳолини, шу жумладан болаларда силга хавф омиллари профилактикаси бўйича индивидуал маслаҳатлар беришни ўргатиш.

5. Аҳоли, оила ёки индивидуал шахсларга соғлом турмуш тарзи бўйича тўғри маълумот бериш/ тарғибот қилиш

### **2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

#### **Талаба:**

- сил касаллиги этиологияси ва патогенези, сил касаллигига мойил омиллар, силнинг асосий белгилари, унинг клиник турлари, диагностика мезонлари; даволаш ва профилактика чора –тадбирлари, силга қарши хизмат фаолияти, бутун дунё ва Ўзбекистонда сил эпидемиологияси, силни барвақт аниқлашда ва профилактикасида оилавий шифокор фаолияти **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- аҳоли орасида силни барвақт аниқлаш усуллари;

- сил профилактика чора тадбирларини режалаштиришни ва ўтказишни;

- сил бўйича эпидемиологик кўрсаткичларни;

- силга мойил хавф гуруҳларда диспансеризация чора тадбирлари ;

- аҳоли орасида сил профилактика ишларини олиб боришни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- силга шубҳа бўлган беморни текширув режасини туза олиши;

- амбулатор этапдаги сил беморини даво назоратини тўғри ташкиллаштириш;

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш;

- зарарли одатлар, шахсий гигиена, йутал гигиенаси, оилада тозаликнинг муҳим эканлигини ҳамширалар томонидан аҳолига етказиб бериш;

- соғломлаштириш ва профилактик тадбирларни ўтказиш;

- туберкулин синамаларини ўтказиш ва уларни натижаларини баҳолаш;

- БЦЖ дан кейинги эмлаш чандиғни баҳолаш;

- аҳолини гигиеник тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тадбирлар ўтказиш **кўникмаларга эга бўлиши керак.**

### **3. Асосий қисм**

#### **3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.**

##### **Цикл бўйича.**

**1-мавзу:** Туберкулез(ТБ) ҳақидаги таълимот тарихи. Хозирги замонда дунёда ва Ўзбекистонда ТБ бўйича эпидемиологик ҳолат. Республикада олиб борилаётган силга қарши чора- тадбирлар.

**2-мавзу:** Сил патогенези. ТБ клиник таснифи. Бирламчи сил: долокал ва локал шакллари.

**3-мавзу:** Тарқалган ТБ. Патогенез, клиника, диагностикаси, дифференциал диагностикаси. Сил менингити.

**4-мавзу:** Иккиламчи сил, патогенез, клиника, диагностикаси, дифференциал диагностикаси..

**5-мавзу:** Ўпканинг деструктив ТБ шакллари: патогенез, клиника, диагностикаси, дифференциал диагностикаси.

**6-мавзу:** ТБ даволаш принциплари. ЖССТ нинг ТБ ни даволаш дастури ва стандартлари.

1-мавзу: Фтизиатрияда деонтология асослари ва инфекцион режим.

2-мавзу: Сил билан хасталанган беморларни клиник-лаборатор текширув.

3-мавзу: Тиббиёт тизимининг бирламчи бўғимида амалга ошираладиган силни аниклаш ва профилактика чорра –тадбирлари.

5-мавзу: Иммунодиагностика, унинг силни барвақт аниклашдаги аҳамияти. Холатий масалалар ишлаш, туберкулин ва диаскинтест синамасини техникасини ўрганиш, таҳлил қилиш.

6-мавзу: Силнинг махсус профилактикаси: болалар ва ўсмирлар орасида БЦЖ билан эмлаш ва қайта эмлашни ўтказиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш,БЦЖ асоратлари.

7-мавзу: Силда рентгенологик текширув усуллари ва рентгенологик симптомлар. Беморлар курацияси ва рентгенограммаларнинг таҳлили.

8-мавзу:Бирламчи сил: Бирламчи силнинг долокал ва локал шакллари: клиникаси, диагностикаси ва дифференциал диагностикаси.

9-мавзу: Тарқалган ТБ, патогенези, клиникаси, диагностикаси ва диф. диагностикаси.

10-мавзу: ТБ менингити, патогенези. Клиникаси, диагностикаси. дифференциал диагностикаси, прогнози, даволашнинг узига хос хусусиятлари.

11-мавзу: Ўпка ТБ нинг иккиламчи шакллари: ўчоқли, инфильтратив ТБ, туберкулемаси. Патогенези, клиникаси, диагностикаси,прогнози, дифференциал диагностикаси.

12-мавзу: Деструктив ўпка сил: кавернали ва фиброз-кавернали, цирротик ТБ, патогенез, клиникаси, диагностикаси, дифференциал диагностикаси. Сил асоратлари, клиникаси, диагностикаси ва давоси.

13-мавзу: Ўпкадан ташқари сил: периферик лимфа тугунлари, ичак, суяк бугим сили: патогенези, клиникаси, диагностикаси, дифференциал диагностикаси, даволаш

14-мавзу: ТБ плеврити: патогенези, турлари, клиникаси, диагностикаси, дифференциал диагностикаси, прогнози.

15-мавзу: Силни комплекс даволаш. Сил беморларини диспансер назорати.

16-мавзу:.. Сил ва ОИТС. Сил ва хамроҳ касалликлар.

**3.2. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методиқ жиҳатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

#### ***3.4. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:***

##### ***Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйхати:***

Беморларни мавзу бўйича курация қилиш.

Антропометрик кўрсаткичларни баҳолаш.

сил асоратлари хавфини камайтириш.

Нафас ва юрак қон-томир тизими фаолиятини баҳолаш.

Туберкулин синамасларига курсатмаларни билиши.

БЦЖ эмлашдан кейинги ҳолатни баҳолай олиши.

Сил беморини амбулатор давоси назоратини ташкиллаштириш.

##### ***Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:***

УК 1<sup>1</sup>. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;

УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;

УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва ахлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;

УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёрлик;

УКК 1<sup>2</sup>. Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббӣёт терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёрлик;

УКК 2. Профессионал фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;

УКК 3. Тиббий ҳужжатларни юритишга тайёргалик;

УКК 4. Антропометрик текширувлар ўтказа билиш ва текширилувчиларнинг саломатлик ҳолатини баҳолаш билиш;

УКК 5. Тиббий текширувлар ўтказишда кўзда тутилган тиббий асбоблардан фойдаланишга тайёрлик.

##### ***Модул давомида клиник ўқув амалиётни ўқув режаси асосида ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:***

<sup>1</sup> УК- умумий компетенция

<sup>2</sup> УКК – умумий касбий компетенция

Талабаларнинг ўқув амалиётлари жиҳозланган лаборатория хоналарида ўтказилади. Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва 3 босқични ўз ичига олади:

1. Кириш қисми – машғулотнинг мақсади ва вазифалари аниқланади, ўрганилаётган кўникмадан фойдаланишнинг мотивацион асоси, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Агар техник воситаларни қўллаш талаб этилса (пикфулометр, ЭКГ асбоби, тонометр), унда уларнинг таъсир механизми, қўллаш техникаси таништирилади.

2. Кўникмани намоёниш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш – бунда кўникмани босқичларга тўғри тақсимлашга алоҳида эътибор қаратилади. Тескари алоқани олгунга қадар, яъни ўрганаётган шахс мустақил, бироқ педагог назорати остида бажара олганда, кўникмани бажаришнинг барча босқичларини умумлаштириш, ўзаро бир-бирида кўп марта машқ қилиш ва амалий кўникмага эга бўлиш.

3. Хулоса – талаба ушбу кўникманинг педагог назоратида аҳамиятини муҳокама қилиш ва уни турли вазиятларда қўллаш. Ўқитиш жараёнида юзага келган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш.

Талабаларга бажарилаётган амаллар алгоритми мавжуд бўлиши лозим (кафедранинг услубий қўлланмасида касбий йўриқномалар батафсил ёритилган, ўқув хонаси деворига схема кўринишида осиб қўйилган бўлиши лозим). Ўқитувчи назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғрилайди. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишга ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашга тайёр бўлишлари лозим.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлик даражасини баҳолайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади.

#### **4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

##### *4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:*

1. Ўпканинг функционал морфологияси. Замонавий шароитда ўпка туберкулёзининг морфологик куриниши.

2. Туберкулёз этиологияси. Туберкулёз микобактериясини дориларга чидамлилиқ тури.

3. Бирламчи туберкулёз клиник шаклларни қиёсий ташҳислашнинг асосий усуллари.

4. Иккиламчи туберкулёз клиник шаклларни қиёсий ташҳислашнинг асосий усуллари.

- 5.Туберкулёз яллиғланишининг иммунологик ва генетик аспектлари.
- 6.Ўпкадан ташқари аъзолар туберкулёзининг рентгенологик ва нур диагностикаси.
- 7.Силикотуберкулез
- 8.Ўпка туберкулёзи асоратлари. Туберкулёз билан касалланган беморларда нафас етишмовчилиги.
- 9.Ўзбекистон Республикасида туберкулёзга қарши курашишнинг миллий дастури
- 10.Оғиз бушлиги сили.
11. Тери сили.
- 12.Сил ва хомиладорлик.
- 13.Туберкулёз билан касалланишга атроф-муҳит омилларининг таъсири
- 14.Туберкулёз билан оғриган беморларга тиббий маслаҳат бериш асослари
- 15.Дориларга тургун сил, клиник хусусиятлари ва давоси
- 16.Аёллар жинсий аъзолар сили, патогенез, клиника, давоси, прогнози.
- 17.Фтизиатрияда бронхоскопия.
- 18.Сил химиотерапиясида кузатиладиган ножуя таъсирлар
- 19.Буйрак усти бези сили, клиника, диагностика , давоси
- 20.Фтизиопульмонологияда биопсия
- 21.Сил беморларида ташки нафас ва кон айланиш тизими ни баҳолаш
- 22.Фтизиатрияда молекуляр генетик текшириш усули.
- 23.Туберкулезнинг хирургик давоси
24. Замонавий иммунодиагностика усуллари.
25. ШЛУ, МЛУ ТБ, клиник хусусиятлари ва давоси
26. Коллапсотерапия
27. Фтизиатрияда физиодаво усуллари.
28. Силни кимиз билан даволаш
29. Силни санатор давоси.
- 30.Қалқонсимон без етишмовчилиги ва силнинг кечиши.

#### ***4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:***

Тиббиёт касбидаги модули бўйича тавсия этилаётган мустақил ишлар модули тизимида турли хил кейс, вазиятли масала ва кроссвордлар шаклида амалга оширилади.

#### ***4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:***

Фтизиатрия модули бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: аудитория машғулотларидан ташқари тренажёр, виртуал фтизиатрияда тақдим этилган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш; айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайерлаш;
- модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар



(монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;  
- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;  
моделлар яшаш, кроссвордлар тузиш, органайзерлар тузиш ва ҳ.к.

***Фтизиатрия модули бўйича курс иши режада кўзда тутилмаган.***

**Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари**

Фтизиатрия модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- *жорий назорат (ЖН);*
- *оралик назорат (ОБ)*
- *якуний назорат (ЯН).*

**ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)**

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Фтизиатрия модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий ва амалий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назоратда талабалар билими таълим моделига асосланган ҳолда назарий ва амалий босқичларда амалга оширилади.

Модулга ажратилган 5 кредитни талаба ЖН давомида йиғади.

**Модул бўйича таълим олувчи рейтинг қуйидагича аниқланади:**

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таърифи
86-100	А	"аъло" – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;</p> <p>ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;</p> <p>модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;</p> <p>модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>	5	аъло
81-85	В	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки</p>	4	яхши

			<p>бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-ҳукукий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллаш олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>	
71-80	С	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли и ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p>	

			<p>амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намоиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;</p>		
60-70	D	"қоникарли" – сусти натижа, қўпол камчиликлар билан	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намоиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намоиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқиётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши,</p>	3	Қони қарли

			вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
55-59	Е	"ўрта" – минимал натижага тенг	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва хатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқиётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
31-54	FX	"қониқар сиз" – минимал даражадаги билимларни олиш учун кўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;</p> <p>илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса;</p> <p>амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.</p>	2	Қони қарсиз
0-30	F	"мутлоқ қониқарс	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим		

		из" – тўлиқ қайта ўзлашти риши лозим	фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва кўпол мантикий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		
--	--	---	---	--	--

### **ОРАЛИҚ НАЗОРАТ (ОН)**

Фтизиатрия модули бўйича ОН IX-X семестр ўртасида бир марта ўтказилади. ОНга ЖН бўйича тегишли кредитларни тўплаган талаба киритилади. ОН тури кафедра мажлисининг қарори билан белгиланади. ОНда саралаш бали (55балл) йиға олмаган талаба якуний назоратга қўйилмайди.

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудирини томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади ва оралиқ назорат қайта ўтказилади.

### **ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)**

ЖН га ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган ва ОН дан саралаш балини тўплаган талаба ЯНга киритилади. ЯНда талабанинг билим, амалий кўникма ва малакалари модулнинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯН модул бўйича ўқув машғулотлари тугаганидан сўнг оғзаки ўтказилади. ЯНда саралаш балини (55балл) йиға олмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади (ЖНда кредитни тўлиқ йиғган бўлса ҳам). Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади. Семестр якунида якуний назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади. Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида ҳулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

## **5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**

### **5.1. Асосий адабиётлар.**

1. Перельман М.И. Фтизиатрия, М., 2013
2. Болаларда сил касаллиги диагностикаси ва ушбу ҳолатларни олиб бориш. Миллий дастур. Тошкент, 2014.
3. Убайдуллаев А.М. Сил касаллиги, врачлар учун қўлланма, Тошкент. 2009.
4. Аксенова В.Н. Туберкулез у детей и подростков. - М.: ГЭОТАР, 2007.
5. Комплексное лечение туберкулеза органов дыхания у детей и подростков. Пособие для врачей под ред. В.Н. Кривохижа. -СбП.: ГЭОТАР, 2010.

### **5.2. Қўшимча адабиётлар.**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. 2017 й, 104 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини бир галикда барпо этамиз. 2016 й, 56 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.
3. Азизходжаева Н.Н. Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения: итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
4. Браженко Н.А., Браженоко О.Н. Фтизопульмонология. Санкт – Петербург. 2014.

### **Интернет сайтлари**

//<http://www.tma.uz>

//<http://www.medbook.ru>

//<http://www.ziyonet.uz>

//<http://www.ioatld.org>.

//<http://www.ctcts.org/eurotb/>.

//<http://www.ctcts.org/eurotb/>. Страница Европейского центра по борьбе с туберкулезом

//http:www.iuatld. org. Страница Международного союза по борьбе с туберкулезом

//http:www.iki.rssi.ru /pulmo/ deflit- R.htm Пульмонология

//http:www. Who.int /wer/. Еженедельные сводки эпидемиологии ВОЗ

## ФТИЗИАТРИЯ МОДУЛИ СИЛЛАБУСИ

Тўлиқ номи	Фтизиатрия болалар фтизиатрияси		
коди:	Кредит ҳажми: 5 Шундан: ЖН – 5 кредит: 9 семестр – 3 кредит, 10 семестр – 2 кредит. ОН, ЯН- о кредит – (лекин мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 9-10- семестр	ECTS value: 5
Таълим йўналиши	5510200 – «Педиатрия иши»	5 босқич бакалаврлари	
Модулнинг давомийлиги	18 кун		
Ўқув соатлари ҳажми:	Жами соат:	180	
	Шунингдек:		
	маъруза	12	
	амалий машғулот	42	
	клиник ўқув амалиёт	54	
	мустақил таълим	72	
Ўқув модулининг статуси	Клиник модуллар блоки		
ОТМ номи, манзили			
Кафедра номи	Фтизиатрия ва пульмонология		
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Лекторлар. Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:	
Машғулот вақти ва жойи			
Модулнинг мазмуни	Фтизиатрия болалар фтизиатрияси модули бирламчи бўғинда фаолият кўрсатаётган <b>оилавий шифокорлари</b> аҳоли ва шу жумладан болалар орасида силни барвақт диагностикаси, профилактикаси ва назоратини самарадорлигини оширишга замонавий ёндашишни ўргатиш нафас олиш илмий методологик асосларини шакллантириш, кўникмаларини эгаллаш, бўлажак умумий педиатр шифокорини педиатрия йўналиши бўйича тайёрлаш.		
Пререквизитлар	Анатомия, гистология, микробиология, патофизиология фанлари ҳисобланади.		
Постреквизитлар	Фтизиатрия, болалар фтизиатрияси модули барча клиник модуллари учун назарий замин бўлиб хизмат қилади.		
Модулнинг мақсади	Фтизиатрия ,болалар фтизиатрияси модулини ўқитишнинг асосий мақсади сил диагностикаси, давоси ва профилактикаси бўйича илмий дунёқараш ва назарий билимлар, амалий кўникмалар шакллантиришга услубий ёндашишга хизмат қилади ва билимлари, куникмалари ва квалификациясига эришилади..		
Модулнинг вазифалари	Аҳоли ва шу жумладан болалар орасида силни барвақт аниқлашнинг самарали олиб бориш бўйича ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган стандартлар ва тавсиялар асосида силни эрта ташхислаш,		



	замонавий даволаш, олдини олиш ва кейинги кузатувни олиб бориш принципларини ўргатиш.
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	<p><b>Талаба тасаввурга эга бўлиши керак:</b> Сил касаллигини эрта аниқлаш ва профилактикаси ҳақида мақсад ва вазифаларини, унинг <b>оилавий шифокори</b> фаолиятидаги аҳамиятини; -Сил касалигини клиник шакиларини босқичларини, диагностикаси ва бирламчи профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш <b>тўғрисида</b>;</p> <p><b>Талаба билиши шарт:</b> - фаннинг мақсади ва вазифаларини, унинг оилавий шифокор иш фаолиятидаги аҳамиятини; - нафас олиш тизими функцияларни клиник текширишнинг энг асосий усуллари билан таништириш турли ёшдаги одамда организм тизимлари нормал фаолиятларини кўрсаткичларни; - фтизиатрияни тиббиёт амалиётида тутган ўрнини; - амалий ишларни мустақил бажаришни, олинган натижаларни баҳолашни; - илмий адабиёт билан мустақил ишлашни, организм тизимларининг таснифи;</p> <p><b>Талаба бажара олиши лозим:</b> -Антропометрик текширувлар ўтказиш ва интерпретация қилишни. -Туберкулин синамасларига курсатмаларни билиши -БЦЖэмлашдан кейинги ҳолатни баҳолай олиши. -Рентгенологик текширув натижаларини баҳолай олиши -Соғлом турмуш тарзига роя қилиш бўйича маслаҳат бериши -Рационал овқатланиш бўйича маслаҳат беришни -Силнинг клиник белгиларини билиши -Силни амбулатор давога кўрсатмаларни билиши. -Силга қарши дорилан ножўя таъсирларни билиши ва аниқлай олиши. -Беморларни биохимик текширувлар ўтказиш учун тайерлашни -Рентгенологик текширув натижаларини баҳолай олиши -Туберкулин синамаларини натижаларини баҳолай олиши -БЦЖ эмлашдан кейинги чандиқни баҳолай олиши -Зарарли одатларни олдини олиш бўйича маслаҳат бера олиши <b>амалий кўникмаларига эга бўлиши керак.</b></p>
Таълим бериш усуллари	маъруза амалий машғулотлар, клиник ўқув амалиёт
Таъминот	Видеоматериаллар, презентациялар, компьютер дастурлари, дарсликлар, Тарқатма материаллар, Тестлар, вазиятли масалалар. Ўқув қўлланмалар.

#### **Ўқитиш натижалари:**

##### **Модулни яқунлаганда талаба билади:**

- нафас олиш аъзоларини текширишнинг энг асосий клиник усуллариининг принципларини;
- турли ёшдаги инсонлар , болаларда силнинг кечиши;
- ўпка касалликларида асосий белгиларни ҳосил булиши асосий қонуниятларини тушунтиришни ва баҳолашни;
- фтизиатрия, болалар фтизиатрияси тиббиёт амалиётида тутган ўрнини;
- амалий ишларни мустақил бажаришни, олинган натижаларни баҳолашни;

##### **Модулни яқунлаганда талаба бажара олади:**

- Тери ораси Манту синамаси
- Диаскин тест
- БЦЖ билан эмлаш тартиби
- Балғамни сил таёқчалари (КЧБ) га микроскопия усули бўйича текшириш
- Кўкрак қафаси рентгенографиясининг таҳлили
- Балғам йиғиш техникаси





